



## TECHNOLOGY TO INCREASE THE PHYSICAL TRAINING OF YOUNG HANDBALL PLAYERS

**MH Ibragimov, FR Bukhonov, MI Tursunov**  
**SamSU, Faculty of Physical Culture, Department of Sports  
Teaching Methods**

### Annotation:

Development of a mechanism for the technology of methods of improving the physical fitness of young handball players. Development of guidelines based on the analysis of experiments to improve the methods of improving the physical fitness of young handball players.

### Keywords:

Handball, pedagogical technology, lesson, age, scientific, methodical, approach, analysis, athlete, training.

**Ишнинг долзарбилиги:** Илғор педагогик технологиялар дарс беришнинг интерфаол усулларини назарда тутади. Булар мунозара дарслари, иқтисодий музокаралар, ишбилармон ўйинлар, муаммоли ҳолатларни, кейс стадиларини ечиш ва ҳоказолардир.

Ўқитувчининг ижодий ёндашуви талаба томонидан гандбол назариясини ўрганишга ижодий ёндашувининг бевосита шартидир.

Мамлакатимизда кўпдан-кўп халқаро андозаларга мос спорт иншоотларининг барпо этилиши, спортчиларни турли миқиёсдаги холқаро мусобақаларда иштирок этиб, муайян йутуқларга эришишни таъминлайди. Гандбол бўйича яратилган илмий методик ва маҳус адабиётларни таҳлил қилганда шуни гувоҳи бўлдики ҳозирги кунда гандболчиларни тайёрлаш ва уларни маҳоратини ошириш хусусида кўп илмий ишлар қилинган. Бироқ машғулотлар вақтида жисмоний тайёргарликни оширишга қаратилган эътибор етарли эмас. Барчамизга майлумки спорт ўйинларида айниқса гандболда машғулотларни режалаштириш ва аниқ бир дастур асосида ўтказишнинг спецефик аҳамияти бор.

Гандбол спорт турида дастур асосида индивидуал машқ усулидан фойдаланиш бу ўзлаштирилган машқлар орқали турли мушак гурухларига таъсир кўрсатади, техник малакаларни ва жисмоний сифатларни такомиллаштиришга самарали натижа беради.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Ёш гандболчиларнинг жисмоний сифатларини инновацион тәҳналогиялар ёрдамида ривожлантириш ҳамда назорат қилиш йўллари.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** Тадқиқотимизнинг мақсадига эришишда биз куйидаги вазифаларни белгилаб олдик.

**1.** Танланган мавзу юзасидан илмий мақолалар, илмий адабиётлар, олимларнинг илмий тадқиқотларининг назарий жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

**2.** Тадқиқот ўтказиш учун тадқиқотнинг объектини, тажриба ва назорат гурухларини аниқ белгилаб олиш.

- 
3. Ёш гандболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини тестлар орқали баҳолаш.
  4. Ёш гандболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш учун педагогик технологияларни жорий этиш ва машғулотларда қўллаш.
  5. Тадқиқот давомида амалга оширилган ишларни ва тадқиқот натижаларини умумлаштириб хulosалар қилиш ва амалий тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг обеъкти:** Самарканд Олимпия захиралари коллежи тадқиқот обеъкти қилиб олинди ва ушбу Самарканд олимпия захиралари коллежининг дастлабки тайёргарлик босқичига танлаб олинган 15-16 ёшли гандболчиларнинг 12 таси танлаб олинди ва уларнинг жисмоний тайёргарлигини олти ой мобайнида назорат қилдик.

**Юқорида кайд этилган вазифаларни ҳал этишда куйидаги илмий тадқиқот услублардан фойдаланилди:**

1. илмий адабиётлар ўрганиш услуби.
2. тест меъёрларини қабул қилиш.
3. математик статистика услуби.

**Ёш гандболчиларнинг жисмоний сифатларини такомиллашганлигини белгилайдиган тест натижалари**  
**1-жадвал**

№	Ф.И.Ш	30 м югуриш, с	Уч хатлаб сакраш см	Вазни 700 гм бўлган тўпни отиш, м						Мокисимон югуриш, 88- 90м сония	12 минутли Купер тести, м		
				Ўнг кўл		Чап кўл		Икки кўллаб			т/o	т/k	
		t/o	t/k	t/o	t/k	t/o	t/k	t/o	t/k	t/o	t/k	т/o	т/k
1	А-в У	4,7	4,6	660	715	22	25	10	13	8	10	25	23
2	М-в Д	4,9	4,7	650	705	20	24	9	12	7	9	27	24
3	С-в Д	5,1	4,8	720	765	23	26	11	15	9	11	29	25
4	Б-в М	5,0	4,5	680	755	21	25	10	14	6	9	26	24
5	Б-в Д	5,3	4,9	710	760	24	27	12	15	8	10	29	25
6	И-в М	4,8	4,4	670	735	19	23	13	15	9	11	25	23
7	К-в Ш	5,2	4,8	705	760	21	26	11	14	5	8	27	24
8	Р-в М	5,4	4,9	695	745	22	25	10	14	7	10	28	25
9	Р-в И	4,9	4,5	725	770	20	24	12	15	8	10	25	23
10	С-в М	4,6	4,3	740	775	23	27	11	15	9	11	26	24
11	Э-в М	4,8	4,6	675	755	19	24	8	13	10	11	25	24
12	Қ-в И	4,6	4,2	685	765	24	27	10	14	9	11	25	23
<b>X</b>		<b>4,9</b>	<b>4,6</b>	<b>692,9</b>	<b>750,4</b>	<b>21,5</b>	<b>25,2</b>	<b>10,5</b>	<b>14,0</b>	<b>7,9</b>	<b>10,0</b>	<b>26,4</b>	<b>23,9</b>
<b>Фарқи %</b>		<b>3</b>		<b>57,5</b>		<b>3,7</b>		<b>3,5</b>		<b>2,1</b>		<b>2,5</b>	
													<b>280,6</b>

**Изоҳ: т/o тадқиқотдан олдин, т/k тадқиқотдан кейин**

**Ёш гандболчиларнинг жисмоний сифатларини такомиллашганлигини белгилайдиган тест натижалари ўртача кўрсаткичларини солиштириш  
2-жадвал**

Кўрсаткич номлари	Тадқиқот бошида		Тадқиқот оҳирида		
	$\dot{X} \pm \sigma$	V, %	$\dot{X} \pm \sigma$	V, %	
30 м га югуриш (секунд)	$4,9 \pm 0,26$	5,3%	$4,6 \pm 0,22$	4,7%	
Уч ҳатлаб сакраш см	$692,9 \pm 27,6$	3,9%	$750,4 \pm 21,7$	2,8%	
Вазни 700 гм бўлган тўпни отиш, м	Ўнг кўл	$21,5 \pm 1,7$	7,9%	$25,2 \pm 1,3$	5,1%
	Чап кўл	$10,5 \pm 1,3$	12,3%	$14 \pm 1$	7,1%
	Икки кўллаб	$7,9 \pm 1,4$	17,7%	$10 \pm 1$	10%
Мокисимон югуриш, 88-90м Сония	$26,4 \pm 1,5$	5,6%	$23,9 \pm 0,79$	3,3%	
6 минутли Купер тести, м	$2288,2 \pm 111$	4,8%	$2568,8 \pm 79,5$	3,0%	

Спорт амалиётида ўлчаш натижаларининг тебранувчанлиги вариация коэффициентининг қийматига боғлиқ ҳолда қуидагича баҳоланади:

- 0 ÷ 10% бўлса, кичик;
- 11 ÷ 20% бўлса, ўртача;
- V > 20% бўлса, катта.

## Хулоса

Ёш гандболчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш, ҳаракат вазифаларини тез ва тўғри еча олиш учун куч, тезкорлик, чидамлилик, чаққонлик, эгилувчанлик сифатлари хамда иродали бўлишлари керак. Адабиётлар ва илмий мақолаларни ўрганиб ўқув машғулот жараёнини тахлил қилиб қуидаги хулосага келиш мумкин, машғулотлар вақтида педагогик технологияларни дастуридан фойдаланиш борган сайин камайиб бораётганлиги кузатилди.

15-16 ёшли гандболчилар устида олиб борилган олти ойлик педагогик тадқиқот натижалари иш мавзуси олдига қўйилган мақсад ва вазифалар моҳиятини тўла тўқис ёритиб берди. Жумладан дастлабки ўргатиш босқичида шуғулланучи ёш гандболчиларни жисмоний тайёрғалигини ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш орқали машғулотларни олиб бориш гандболчиларнинг жисмоний сифатлари ва унинг самарали шакллантириш имкониятига таъсири юқори даражада эканлиги кузатилди.

## Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати

1. Абдурахманов Ф.А, Кариева Р.Р. Индивидуальные технико-тактические действия гандболистов в защите и нападаении. Тошкент-2015
2. Игнатьева В.Я. Гандбол: Учебник для ИФК, М.- ФиС, 1982. – 380с.
3. Павлов Ш.К, Абдурахманов Ф.А, Раҳманова М.М. “Гандбол”- ўқув қўлланма, 2010й, 32-456.
4. Павлов Ш.К, Азизова Р.И, Гандбол – БЎСМлар учун дастур. 2009 й
5. Павлов Ш.К, Абдурахманов Ф.А, Подготовка гандболистов – УзГИФК Т.: 2006й, 299с.
6. Павлов Ш.К, Тулаганов Ш.Ф, Гандбол Умумий босқич талабалари учун. Ўқув услубий қўлланма 2015й
7. Павлов Ш.К, юсупов З.Э. Ёш гандболчиларнинг тезкор-куч сифатларини самарадорлигини ошириш технологияси. Услубий қўлланма 2015й